2010 йил 25 январь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 16 (11.577) | Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига мувофиқ қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари этиб тайинлансин:

**Фармонов Александр Қосимович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси – бош директори

**Санақулов Қувондиқ** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директори

**Тян Валерий Николаевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори

**Турсунбоев Йўлчибой Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси

**Муҳамедов Ғафуржон Исроилович** — Ўзбекистон Миллий университети ректори

**Ртвеладзе Эдвард Васильевич** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти бўлими мудири

**Акбарова Фарида Шораҳимовна** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Аҳмедов Анвар Акмалович** — «Маҳалла» жамғармаси раиси

**Солиҳов Шавкат Исмоилович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти

**Усмонов Мираброр Зуфарович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг доимий асосда ишловчи аъзоси

**Боқибоев Эркин Жўраевич** — Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси

**Сафоев Содиқ Солиҳович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси

**Раҳмонқулов Мир-Акбар Ҳожи-Акбарович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котибининг биринчи ўринбосари

**Ортиқова Светлана Боймирзаевна** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг қонунчиликни ҳуқуқий тарғибот бўлими бошлиғи

**Мирзаалиев Иқболжон Мирзакаримович** (Иқбол Мирзо) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

**Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 22 январь*

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**Хабар берилганидек, 22 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов олиб борди.**

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига 2010 йил 20-22 январь кунлари бўлиб ўтган сайлов натижалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига сайланган 84 нафар аъзо рўйхатга олинди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида таъкидланганидек, ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш бўйича қўшма мажлислари сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ ўтди. Яширин овоз бериш натижасида Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари орасидан сайланди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ, Сенат аъзолигига номзодлар маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият фаолиятида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли депутатлари орасидан Оқсоқоллар кенгашлари томонидан кўрсатилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови Марказий сайлов комиссияси аъзолари иштирокида, очиқ ва ошкора ўтгани таъкидланди. Қонунчилик бузилиши билан боғлиқ бирор-бир ҳолат қайд этилмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 16 нафар аъзоси тайинланди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисини чақириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг 10-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисини 2010 йил 25-26 январда чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисда кўриб чиқилган масалалар бўйича Марказий сайлов комиссиясининг қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сенатнинг 16 нафар аъзосини тайинлаш тўғрисидаги Фармони матбуотда эълон қилинади.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



*Баркамол авлод — жамият тараққиётининг етакчи кучидир. Шу боис юртимизда мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол авлодни тарбиялаш давлатимизнинг энг устувор вазифаларидан бирига айланди.*

*Президентимиз ташаббуси билан 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилинганлиги ҳам фикримиз исботидир. Дарҳақиқат, бугунги кунда ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама билимли, ҳунарли бўлиб вояга етишлари борасида барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда қад ростлаган замонавий, шинам мактаб, лицей ва коллежлар, уларнинг жаҳон андозалари даражасидаги ўқув жиҳозлари билан таъминланганлиги ёшларнинг ҳар томонлама билимли, зукко, юрт истиқболи учун муносиб ворислар бўлиб етишишларида муҳим омил бўлаётир.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

**Хабар берилганидек, Тошкент шаҳрида 22 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.**

Қонунчиликка мувофиқ мажлисни Марказий сайлов комиссиясининг раиси М.Абдусаломов очди. У Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов натижалари тўғрисида ахборот берди, янги сайланган депутатларни табриклаб, мажлиснинг кун тартибини тасдиқлаш таклифини киритди.

Кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи мажлисининг муваққат котибиятини, шунингдек электрон овоз бериш тизимидан фойдаланишни назорат қилувчи муваққат гуруҳни сайладилар.

Марказий сайлов комиссияси раисининг таклифига кўра ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун Оқсоқоллар кенгашини туздилар.

Оқсоқоллар кенгаши ўз мажлисини ўтказиши учун эълон қилинган танаффусдан сўнг Марказий сайлов комиссиясининг раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери лавозимига номзод бўйича Оқсоқоллар кенгашининг таклифини ўқиб эшиттирди. Депутатлар яширин овоз бериш орқали Дилором Тошмуҳамедовани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайладилар.

Депутатлар Оқсоқоллар кенгаши томонидан таклиф этилган ҳар бир номзод учун овоз бердилар ва Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг раҳбари Бахтиёр Ёқубовни, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг раҳбари Улуғбек Вафоевни, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг раҳбари Улуғбек Муҳаммадиевни, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг раҳбари Исмоил Саифназаровни, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи раҳбари Борий Алихоновни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари этиб сайладилар.

Қонунчилик палатаси, шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур мажлис арафасида сиёсий партиялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг таъсис йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг тегишли фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи тузилди ҳамда уларнинг раҳбарлари сайланди.

Мажлисда парламент қуйи палатасининг тегишли қўмиталарини тузиш тўғрисида, шунингдек, Қонунчилик палатаси қўмиталари раислари лавозимига номзодлар бўйича қарорлар қабул қилинди, депутатлар мазкур қўмиталар сони ва номларини тасдиқладилар.

Депутатлар тегишли қўмиталарнинг раисларини сайладилар.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўз ишини якунлади.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Чирчиқ ижтимоий иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида Маънавият тарғибот маркази Тошкент вилояти бўлими ташаббуси билан Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарини ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**
- **Нукусда Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалар жамғармаси ҳамда Халқ банки ҳамкорлигида «Тадбиркор аёллар маслаҳат маркази» ташкил этилди. Айни пайтда марказ тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган кўплаб хотин-қизларга йўл-йўриқлар бериб, зарур ҳолларда уларга амалий ёрдам ҳам кўрсатмоқда.**
- **Андижонда Баркамол авлод йилига бағишланган «Халқ ижодиёти» республика фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Фестивал иштирокчилари халқ қўшиқлари ва мусиқалари ҳамда замонавий эстрада номерларини ижро этиш борасида баҳс юритдилар.**
- **Фарғона вилояти Қува шаҳридаги «Бегат» фуқаролар йиғини фаоллари «Мурувват» инсонпарварлик дастурини ишлаб чиқишди. Ушбу акциянинг асосий мақсади якка-ёлғиз кексаларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, жисмоний имконияти чекланганлар ва етим болаларни қўллаб-қувватлашдир.**
- **Ўзбекистон Экологик ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси, «Экосан» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Экологик таълим-тарбия йўналишидаги энг намунали қишлоқ мактаби» республика кўрик-танловининг якунига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**
- **Навоий вилояти Нурота туманидаги «Умрбек» фермер хўжалиги раҳбари У.Нарзуллаев мевани қайта ишлаш ҳамда макарон маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйди. Бунинг учун корхонага хориж технологиялари ўрнатилди. Ҳозир бу ерда 10 хилдан ортиқ мураббо, шарбат ҳамда 8 турдаги макаронлар ишлаб чиқарилмоқда.**

### ЖАҲОНДА

- **Бугун Канаданинг Монреал шаҳрида Гаитига кўмаклашиш масалалари бўйича халқаро конференция ўз ишини бошлади.**
- **Гаити маъмурлари зилзиладан жабрланганлар учун дала госпиталлари етказиб бериш жараёнини кенгайтиришни сўраб, жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилди.**
- **Швейцариянинг Женева шаҳрида 28 январда Абхазия, Жанубий Осетия ва Грузия ўртасида ўзаро куч ишлатмаслик тўғрисидаги битим юзасидан музокаралар бошланади.**
- **Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинажотнинг баёнот беришича, ҳукумат мамлакат миллий валютаси — риал қийматини ўзгартиришни режалаштирмоқда. Бу чора мамлакатда пулнинг қадрсизланиш даражасини пасайтириш учун амалга оширилади.**
- **Кеча Байрут аэропортидан парвоз қилган, бортида 85 киши бўлган Эфиопия ҳаво йўлларига қарашли самолёт ҳалокатга учради.**
- **Польшада қалин қор ёғиши ва кучли совуқлар натижасида 18 минг киши электр қувватисиз қолди.**
- **Кеча Украинада Черновци — Киев йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган поездда рўй берган портлаш натижасида 9 киши турли даражадаги тан жароҳатлари олди. Ушбу ҳодисанинг газ баллонининг портлаши оқибатида юз берганлиги тахмин қилинмоқда.**
- **Дунёда энг йирик олтин-валюта заҳирасига эга бўлган Хитойнинг ушбу заҳираси 2009 йилда 453 миллиард долларга, яъни 23,3 фоизга кўпайиб, 2,399 триллион долларни ташкил этди. Заҳиранинг ортишига асосий сабаблардан бири савдодаги профицит, шунингдек, мамлакатга инвестициялар кириб келишининг кўпайиши билан боғлиқ.**
- **Германиянинг «Volkswagen Group» автоконцерни Хитойда янги қўшма корхона очишини маълум қилди. Янги завод Гуаньчжоуда фаолият бошлайди ва бу ерда Испаниянинг «Seat» русумли автоуловлари ишлаб чиқарилади.**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов Комиссиясининг*
*ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**2010 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисидаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари баённомаларига асосан қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб рўйхатга олинсин:**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА**

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Абдурахимова Фарида Юлдашевна | 1950 | Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри |
| 2 | Акромов Акмал Махмудович | 1955 | «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррири | Тошкент шаҳри |
| 3 | Борисова Елена Михайловна | 1955 | Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директорининг ўринбосари | Тошкент шаҳри |
| 4 | Джумабаев Атхам Сахиевич | 1962 | Шайхонтоҳур тумани ҳокими | Тошкент шаҳри |
| 5 | Исмаилов Улугбек Мирабидович | 1964 | Мирзо Улуғбек туманидаги «Дойче Кабель» акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши раиси | Тошкент шаҳри |
| 6 | Тўхтаев Абдуқаҳҳор Ҳасанович | 1956 | Тошкент шаҳар ҳокими | Тошкент шаҳри |

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси**
**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 22 январь.*

## ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ:
# ҲИНДИСТОНДАН НАЗАР

**Ҳиндистонда нашр этиладиган оммавий ахборот-таҳлилий журналлардан бири «Political Events» саҳифаларида Ўзбекистонда 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган таниқли журналист ва сиёсий шарҳловчи М.К.Дхарнинг мақоласи эълон қилинди.**

Ҳиндистонлик эксперт таъкидлайдики, “Ўзбекистонда демократия тобора ривожланмоқда ва ҳар бир сайлов мамлакатнинг бу йўлда эришган улкан ютуқларини намоён этмоқда”. Муаллиф шунингдек Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб фуқаролар сиёсий ҳуқуқларининг кафолатланиши тўғрисида қонун қабул қилганлигига эътибор қаратади.

“Тарих нуқтаи назаридан қараганда жуда қисқа бўлган мустақиллик йилларида мамлакат умум қабул қилинган халқаро андозаларга мос келадиган сайлов тизимини ярата олди. Ўтказилган сайловлар Ўзбекистоннинг сиёсий партиялар ижтимоий ва сиёсий фаолияти, ташаббускорлиги ва жавобгарлигини янада оширишнинг мустаҳкам асосини яратганини кўрсатди. Ўзбекистон демократлаштириш, фуқаролик жамиятини такомиллаштириш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда етакчи эканини яна бир бор намойиш этди”, дейилади мақолада.

Ўзбекистонда 2009 йилда бўлиб ўтган парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган **Ҳиндистон ҳунармандлари маркази раҳбари Камол Кумар Гупти**нинг фикрига кўра, сайловлар, ҳар бир номзодга сайловолди кампаниясида оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилиш, сайловчилар билан учрашувлар ташкил этишда тенг ҳуқуқ берилгани ҳолда, энг юксак демократия андозаларига риоя этилиб ўтказилди.

“Жаҳон” ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида у хусусан шундай деди:

— Сайловларда иштирок этиш даврида мен бир неча сайлов участкаларига бордим ва сайловчилар билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлдим. Уларнинг барчаси овоз бериш жараёнининг ўтишидан мамнун эдилар ва ўз танловларининг тўғрилигига ишонишарди. Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловлар мамлакат сайловдек муҳим бундай демократик жараённи муваффақиятли ўтказиш борасида жуда катта тажриба тўплаганини кўрсатди.

У шунингдек Ўзбекистонда амал қилаётган парламент депутатлигига номзодларнинг сайловолди кампаниялари давлат томонидан молиялаштирилиши механизмининг тўғрилиги ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди. Унинг сўзларига кўра, “барча учун тенгликнинг таъминланиши сайловчилар учун ҳам энг муносиб номзодни танлаб олишларига имконият яратади”.

**«Жаҳон» АА,**
**Деҳли**

Иқтисодиёт

# ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

**«Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи ёпиштирилган рақобатбардош товарларнинг четга экспорт қилинишида, албатта, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган, талаблар даражасидаги маҳсулотларни замонавий техник ва технологиялар асосида ишлаб чиқаришга жорий этаётган қўшма корхоналарнинг муносиб улуши бор.**

Маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш асосида маҳсулот турларини кўпайтираётган, ҳам ички, ҳам ташқи бозорда харидорларга эга бўлган «GREEN WORLD» қўшма корхонаси ана шундай жамоалар сирасига киради. Қарийб 11 йиллик фаолияти давомида тадбиркорлар ўзларининг дармондориларга бой маҳсулотлари билан танилди, бозорда муносиб ўрин эгаллади.

Корхонада асосан мамлакатимизда етиштирилган сархил мева ва сабзавотлардан табиий шарбатлар, нектар, жем, томат пастаси каби маҳсулотларнинг 70 хилдан ортиғи ишлаб чиқарилади. Фаолиятининг илк даврида асосан ички бозорни рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот билан таъминлаган корхона жамоаси бугунги кунда 50 фоиздан зиёд сифатли товарларни буюртма асосида хорижий давлатларга экспорт қилмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, юксак унумли хорижий технологик дастгоҳлар билан жиҳозланган корхона цехларига йилдан йилга бозор талабларига кўра маҳсулот турларини кўпайтириш, замонавий қадоқлашни йўлга қўйиш мақсадида янги ускуналар келтирилиб ўрнатилмоқда. Ўтган йилда Швейцариядан келтирилган «Тетрапак» линияси бунга мисол бўлиб, у шарбат ҳамда нектарларни қадоқлашда қўл келмоқда ва харидор талабини қондирмоқда.

Жорий йилда тадбиркорлар илғор технологиялар асосида яна икки турдаги маҳсулот турларини харидорларга тортиқ этишни режалаштиришган. Булар «Bonus» ва «Fritel» брендлари остида ишлаб чиқариладиган салқин ичимликлар бўлади.

# МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ КАТТА

**Маҳсулотлари турларини бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда кўпайтириб, харидорлари сафини ошираётган корхоналар орасида «Тошкент транс энерго» хусусий корхонасининг муносиб ўрни бор.**

Корхона ўз фаолиятини 2004 йилда бошлаган бўлиб, юқори ва паст кучланишли электр ускуналари тайёрлаш билан шуғулланади. Асосан ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлашни мақсад қилган тадбиркорлар ўз товарларининг 30 фоизини қўшни давлатларга экспорт қилишни ҳам режалаштирган. Улар юқори технологиялар асосида тайёрланган сифатли маҳсулотларни келгусида Эрон, Россия, Қозоғистон, Туркманистон каби давлатларга сотиш ниятида.

Ҳозирги кунда корхонада 50 нафар ишчи-ходим меҳнат қилиб, малакали мутахассисларнинг саъй-ҳаракати боис маҳсулот турлари 30 хилдан ортиб кетди. Шунинг баробарида ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Бу борада жорий йилда мавжуд дастгоҳ ва ускуналарнинг модернизация қилиниши ва янгиларининг келтириб ўрнатилиши яхши самара бермоқда.

Ўтган йил корхона тадбиркорлари учун муваффақиятли кечди. Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус—2009» кўрик-танловининг Мирзо Улуғбек туман босқичида улар 1-ўрин соҳиби бўлиб, «Энг яхши тадбиркор» номини қўлга киритишди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сертификатланган маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда, чунки улар четдан келтириладиган маҳсулот ўрнини босади.

Жорий йилни янги режалар билан бошлаган корхона мутасаддилари янги дастгоҳ ва технологик линиялар келтиришни, ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишни кўзламоқда. Асосий мақсад Баркамол авлод йилида ёшларни иш билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш, рақобатбардош товарлари билан ички бозорда муносиб ўринга эга бўлишдир.

**Яйра КАРИМБЕРДИЕВА**

# КАНДАКОР УСТА

**Ҳунармандларимиз мустақиллик яратган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда бозорни зарур ва керакли ҳунармандчилик ҳамда рўзғор ашёлари билан таъминлабгина қолмай, санъат даражасидаги асарлари билан юртимиз довруғини дунёга таратмоқда, ота-боболаримиз меросини давом эттириб, уни ижодий бойитмоқда.**

Ҳунармандчилик йўналишлари орасида кандакорликнинг ҳам ўз ўрни бўлиб, яратилаётган бундай буюмлар ўзининг ранг-баранглиги, ўзига хос жилоси билан кўпчиликни жалб этади. Уста кандакорлардан саналган Зокир Ғофуров ҳам 20 йилдан буён мазкур ҳунарни эъзозлаб, эл-юртга манзур этмоқда. У мис, латун, мельхиор сингари хом ашёлардан фойдаланган ҳолда ҳақиқий санъат намуналари — кандакорлик маҳсулотларини тайёрлайди.

Уста йиллар давомида ижодий изланиб, кўплаб санъат намуналарини яратиш баробарида 20 дан ортиқ шогирдлар етиштиришга, уларга кандакорлик ҳунари сир-асрорларини мукаммал ўргатишга муваффақ бўлди. У пойтахтимиз ва вилоятларда ўтказилган кўргазмаларда фаол иштирок этиб, маҳсулотлари алоҳида эътирофга сазовор бўлмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, кандакор яратаётган ноёб санъат асарларига Германия, АҚШ, Россия ва бошқа давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Бу, албатта, ушбу ҳунармандчилик йўналишининг жаҳон миқёсига чиқишида устанинг муносиб ҳиссасидан, тинимсиз изланишларидан далолатдир.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

Тадбирлар

# ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК САРИ

**Бугун ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотларга муносабатини шакллантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга молик масалалар сирасига киради.**





Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ҳамкорлигида Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейда «Адлия идораларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва аҳамияти» мавзуидаги давра суҳбатининг ташкил этилиши юқоридаги фикримиз тасдиғидир.

Тадбир давомида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Н.Муҳаммадиев, Адлия вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Т.Тўраев, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси У.Ҳусаинов, Адлия вазирлиги Ахборот хизмати ходими А.Нодиров, Тошкент Давлат юридик институти талабалари Д.Қаландаров, Б.Илҳомжоновларнинг одам савдоси юзасидан ҳуқуқий асослар моҳияти, ёшлар онгида солиқ маданиятини янада юксалтириш, экология маданиятини ривожлантириш йўллари, вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш сингари мавзулардаги маърузалари тингланди.

Биз тадбир иштирокчиларидан бирининг фикрини билишга интилдик.

— Қайси бир давлатнинг ёшлари қонун устуворлигини англасагина ўша ерда тараққиёт бўлади, — дейди лицей ўқувчиси Гуландом Бозорова. — Шу боис бугунги тадбирнинг ўтказилиши биз ёшларнинг баркамоллик, етуклик, ижтимоий фаоллик сари интилишимизда муносиб пиллапоя бўлади, деган умиддамиз. Давра суҳбати давомида алоҳида таъкидланганидек, Президентимиз томонидан жорий йилнинг «Баркамол авлод йили» дея эътироф этилгани мамлакат ёшларига берилган юксак эътибор натижасидир. Шу маънода Адлия вазирлиги ташаббуси билан мамлакатимиздаги мактаб, лицей, коллеж ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, Конституциямиз борасидаги билимларини мустаҳкамлаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан тарғибот гуруҳи тузилиб, республикамизнинг олис қишлоқлари ёшлари билан «Баркамол авлод йили»га бағишланган бир қатор учрашувлар ташкил этилмоқда.

2010 йилнинг февраль-март ойлари давомида 5 кишидан иборат ушбу гуруҳ аъзолари томонидан барча вилоятларнинг 30 га яқин олис туманларидаги коллеж, лицей талабалари иштирокида ҳуқуқий тарғиботлар ўтказилиши режалаштирилган. Жумладан, Тошкент шаҳридаги бир нечта касб-ҳунар таълими муассасаларида ҳам тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, минглаб ёшларга интерактив усуллар асосида суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар оддий, халқчил тилда тушунтирилмоқда.

Тадбир сўнгида анъанавий тарздаги «Ҳуқуқ билимдонлари» аниқланиб, Адлия вазирлигининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**СУРАТЛАРДА: давра суҳбатидан лавҳалар**

**Кейинги пайтларда жаҳондаги турли мамлакатларда электр энергияси манбаларини яратувчи механизм ва машиналарни кашф қилиш ва уни ҳаётга жорий этишга интилиш кетмоқда. Баъзи ҳолларда бунга эришилмоқда ҳам. Экологияга зарар етказмайдиган, самарали, айни пайтда маблағ жиҳатдан мақбул механизм ва ускунани танлаш кун тартибидаги долзарб масала бўлиб қолмоқда.**

# ҚУЁШ НУРИ — УЛКАН ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

Кўплаб илмий изланишларга қарамай, жаҳон электр энергиясининг 98 фоизи ҳамон табиий энергия манбалари ҳиссасига тўғри келмоқда. Уларнинг муқобили сифатида шамол кучи, қуёш нури, биомасса (маиший чиқинди ва маҳаллий ўғитни ачитиб газ кўринишидаги энергияни олиш), геотермо (ернинг табиий ҳароратидан фойдаланган ҳолда иссиқлик ва электр энергияси ҳосил қилиш) кабилар кўрилмоқда. Бироқ, асримизнинг охирига бориб сайёрамиздаги нефть захиралари батамом тугар экан. Хўш, кейин-чи? Олимларнинг таъкидлашича, суткада ер юзига тушадиган қуёш нури миқдори сайёрамиздаги барча энергия манбалари миқдоридан кўпдир. Маълумки, баъзи ускуналар қуёш нурини фотоэлементлар орқали электр энергиясига айлантириш имкониятига эга. Аммо улар кечаси ва соя-салқин кунларда кутилган самара билан ишлай олмайди. Шу боис мутахассислар мазкур камчиликни қудратли аккумуляторлар ёрдамида тўғрилаш йўлини жорий этдилар. Шунингдек, мазкур турдаги ускуналарни тез-тез тозалаб туриш ҳам керак. Бу эса қўшимча маблағ ва ишчи кучи талаб этади. Шунга қарамай, қуёш энергияси сувни қиздириш ва бир неча кимёвий жараёнларда самарали қўлланилиб, келинмоқда. Айниқса транспорт тизимида у кенг жорий этилаётир. Мисол учун, Япония ҳамда Италияда қуёш энергияси билан ҳаракатланувчи автомобиллар аллақачон ишлаб чиқарилмоқда. Электропоездларга эса махсус асбоблар ўрнатилган, улар совутиш, ёритиш ва авария тизимларини энергия билан таъминлайди.

Бизнингча, қуёш нурини нonaзаррачали вагонли ускуналарда ҳосил қилинган электр энергиясини йиғиш ва сақлаш борасида аккумулятор вазифасини ўтовчи водород ишлаб чиқарувчи мини заводларидан фойдаланиш мумкин. Нонақатламли қуёш батарейкаларининг ойналарини тозалашни механизациялаш мумкин. Қисқаси, суғориш насосларининг қуёш энергиясига асосланган экологик тизими яратилади. Бунда экологик муаммоларни нафақат бартараф этиш мумкин, балки глобал иқтисодий мақсадларга эришилади. Бу нима дегани? Яъни, қуёш энергиясидан фойдаланиб электр энергияси ҳосил қилиш мумкин, иккинчидан, давримизнинг долзарб вазифаси бўлган ер остидан ичишга ва суғоришга ярокли сувни чиқариш ташкил қилинади. Янги суғориладиган ерларнинг очилишига олиб келади. Оқибатда, қишлоқ хўжалиги ривожланиб, минг-минглаб иш ўринлари яратилади, чор атроф кўкликка бурканади.

Бу ғоя, республикамизда электр энергиясига бўлган талабни қондиришни бир меъёрида сақлаб туриш билан бирга, Оролбўйи минтақасида кичик бизнесни жумладан, балиқчилик, шоличилик, полизчилик, ўрмончилик ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик соҳаларини ривожлантириш ҳамда экологик тоза озиқ-овқатларни етиштириш билан бирга тоза ичимлик суви билан таъминлаш амалга оширилади.

Илмий тадқиқотларга кўра, 2030 йилга бориб, энергия истеъмоли 90 фоизга ортади. Бу экологик аҳволнинг янада ёмонлашувига хусусан, ис гази ($CO_2$)нинг чиқарилиши 70 фоизга кўпайишига олиб келади. Бинобарин, глобал исишдан сақланиб қолиш учун 2020-2050 йилларда атмосферадаги $CO_2$ концентрациясини 1990 йилга нисбатан 50-60 фоизга қисқартириш зарур. Океан, денгиз, кўл, ҳовуз ҳаттоки ботқоқлик ҳам $CO_2$ ни ютади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, биз таклиф қилаётган қуёш нурини электр энергиясига айлантириш ускунаси долзарб муаммони ҳал қилади.

Хуллас, экологик тизимнинг тараққиётини таъминлаб, яъни қуёш энергияси ҳисобига яшашни йўлга қўйиш ва янги энергиялар ҳисобига қишлоқ хўжалигини, хусусан, кичик бизнесни, яъни тадбиркорликни ва фермерликни янада ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

**Абдиназар НУРМАТОВ,**
**техника фанлари номзоди,**
**катта илмий ходим**

# ЯНГИ НОМЛАР

**Топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи шаҳар комиссияси таклифларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги жой номлари тартибга келтирилди:**

| *Кўча(жой)нинг аввалги номи* | *Янги номи* | *Изоҳ* |
|---|---|---|
| ***МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ*** | | |
| Раим Солиев кўчаси | **Дархонтепа** | Жойнинг тарихий номи («Оққўрғон» маҳалласи) |
| 1-Ирригация | **Дархонтепа 1-тор кўчаси** | // - // - // |
| 2-Ирригация | **Дархонтепа 2-тор кўчаси** | // - // - // |
| 1-Токарний | **Дархонтепа 3-тор кўчаси** | // - // - // |
| 2-Токарний | **Дархонтепа 4-тор кўчаси** | // - // - // |
| 2-Урицкий 2-берк кўчаси | **Оққўрғон 1-берк кўчаси** | // - // - // |
| 2-Урицкий 3-берк кўчаси | **Оққўрғон 2-берк кўчаси** | // - // - // |
| 7-Магнитогорск 7-тор кўчаси | **Ойдин 2-тор кўчаси** | // - // - // |
| Агрошкола | **Султония тор кўчаси** | Жойдаги Султония кўчасига уйғунлаштирилди («Яланғоч» маҳалласи) |
| Ҳикматхўжа Дониёрхўжаев | **Дўрмон йўли берк кўчаси** | Шу номдаги асосий кўчага туташ бўлгани ва кўча боши берк бўлиб қолгани инобатга олинди (Навоий номли маҳалла) |
| САГУ | **Чароғон** | Кўча йўналишида электр қуввати станцияси жойлашгани инобатга олинди ("Алпомиш" маҳалласи) |
| Азиз Ҳамидов | **Чароғон 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини тартибга келтириш мақсадида ("Алпомиш" маҳалласи) |
| Эргаш Отахонов | **Шаҳриобод** | Йўналишдаги «Шаҳриобод» маҳалласи номига уйғунлаштирилди |
| Наримон Хожибоев | **Олимлар** | Йўналишдаги "Олимлар" маҳалласи номига уйғунлаштирилди |
| Алексей Толстой | **Олой** | Кўча йўналишида Олой бозори жойлашгани инобатга олинди |
| Хоразм | **Истиқлол** | Шу номли кўчанинг давоми бўлгани инобатга олинди (кўчанинг бош қисми Ҳамза тумани ҳудудида жойлашган) |
| ***МИРОБОД ТУМАНИ*** | | |
| Бехтерев | **Эски Сарикўл** | Кўча Сарикўл даҳасида жойлашгани инобатга олинди («Истиқлол", "Янгизамон", Фитрат ва Фурқат номларидаги маҳаллалар) |
| Бехтерев 1-тор кўчаси | **Эски Сарикўл 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида ("Истиқлол" маҳалласи) |
| Бехтерев 2-тор кўчаси | **Эски Сарикўл 2-тор кўчаси** | // - // - // |
| Бехтерев 3-тор кўчаси | **Эски Сарикўл 3-тор кўчаси** | // - // - // |
| Бехтерев 4-тор кўчаси | **Эски Сарикўл 4-тор кўчаси** | // - // - // |
| Бехтерев 5-тор кўчаси | **Эски Сарикўл 5-тор кўчаси** | // - // - // |
| ***СЕРГЕЛИ ТУМАНИ*** | | |
| Султонбек Хўжанов | **Нўғойқўрғон** | Жойнинг тарихий номи инобатга олиниб, маҳалла номига уйғунлаштирилди («Нўғойқўрғон» маҳалласи) |
| Ғарафиддин Салоҳиддинов | **Боғзор** | Жойнинг тарихий кўриниши инобатга олинди («Нўғойқўрғон» маҳалласи) |
| Момиқ Ғозиева | **Ўзар 3-тор кўчаси** | Тарихий Ўзар кўчасига туташ тор кўча бўлгани инобатга олинди («Чоштепа» маҳалласи) |
| Момиқ Ғозиева 1-берк кўчаси | **Ўзар 7-берк кўчаси** | Туташ кўча номларига уйғунлаштирилди («Чоштепа» маҳалласи) |
| Момиқ Ғозиева 2-берк кўчаси | **Ўзар 8-берк кўчаси** | // - // - // |
| Иброҳим Ёқубов | **Хонобод 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номларига уйғунлаштирилди ("Хонобод" маҳалласи) |
| Иброҳим Ёқубов 1-тор кўчаси | **Хонобод 2-тор кўчаси** | // - // - // |
| Иброҳим Ёқубов 2-тор кўчаси | **Хонобод 3-тор кўчаси** | // - // - // |
| Иброҳим Ёқубов 1-берк кўчаси | **Хонобод 1-берк кўчаси** | // - // - // |
| Иброҳим Ёқубов 2-берк кўчаси | **Хонобод 2-берк кўчаси** | // - // - // |
| Йўлдош-17 ("Спутник") мавзесининг бир қисми *(такрор)* | **Йўлдош 18-мавзеси** | Жойдаги Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги 4,6,7,8,9-кўп қаватли уйлар 17-мавзега боғлиқ бўлмагани инобатга олинди |
| Музайяна Алавия | **Меҳригиё** | Жой номлари мазмунан бой ва жарангдор бўлишига эътибор берилди ("Гулистон", "Тинчлик", Ш.Бурҳонов ва Ҳабибий номларидаги маҳаллалар) |
| ***СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ*** | | |
| Ҳалим Усмонхўжаев | **Озод** | Кўчанинг аввалги номи тикланди ("Эскишаҳар" маҳалласи) |
| Ҳалим Усмонхўжаев 1-берк кўчаси | **Озод 1-берк кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди ("Эскишаҳар" маҳалласи) |
| Культиватор | **Гулзор 1-тор кўчаси** | // - // - // |
| Зикир Ибодов | **Мойариқ 2-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди («Мойариқ» маҳалласи) |
| Йўлдош Бозорбоев | **Мойариқ 3-тор кўчаси** | // - // - // |
| Янги кўча | **Мойариқ 4-тор кўчаси** | // - // - // |
| Назар Душабоев | **Мойариқ 5-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди («Аҳил» маҳалласи) |
| Маҳамат Ўрозбоев | **Қорақамиш 1-кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди |
| Саиджон Калонов | **Қорақамиш 2-кўчаси** | // - // - // |
| Атҳам Юнусов | **Қорақамиш 3-кўчаси** | // - // - // |
| Юнус Тўлаганов | **Бешқўрғон тор кўчаси** | Туташ кўча номи уйғунлаштирилди («Бешқўрғон» маҳалласи) |
| ***УЧТЕПА ТУМАНИ*** | | |
| Содиқ Мирзаев | **Қориёғди** | Жойдаги «Қориёғди» маҳалла номига уйғунлаштирилди |
| Содиқ Мирзаев 1- тор кўчаси | **Қориёғди 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. «Қориёғди» маҳалласи |
| Содиқ Мирзаев 2- тор кўчаси | **Қориёғди 2-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди («Қориёғди» маҳалласи) |
| Нурилло Саидов | **Катта Қаъни 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди («Катта Қаъни» маҳалласи) |
| Аҳмад Исматов | **Шарқ 3-тор кўчаси** | // - // - // |
| Ғаниполвон Ҳакимов | **Ғаниполвон** | Кўча номи соддалаштирилди («Катта Қаъни» маҳалласи) |
| Обиджон Зоидов | **Ғаниполвон 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди ( «Катта Қаъни» маҳалласи) |
| Турғун Жамолов | **Фозилтепа 1-тор кўчаси** | // - // - // |
| Фозилтепа *(такрор ва кичик кўча)* | **Фозилтепа 2-тор кўчаси** | // - // - // |
| Аҳрор Тошхўжаев | **Қурилиш 1-тор кўчаси** | // - // - // |
| ***ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ*** | | |
| Йўлдош Ойхўжаев | **Тинчлик 6-тор кўчаси** | Туташган кўча номига уйғунлаштирилди («Жарариқ» маҳалласи) |
| Жалол Иноятов | **Тинчлик 7-тор кўчаси** | // - // - // |
| Шоаҳмад Шомаҳмудов | **Тошкўча** | Жойнинг тарихий номи («Жарариқ» маҳалласи) |
| Вали Муродхўжаев | **Кўкча 1-тор кўчаси** | Жойнинг тарихий номи. "Исломобод" маҳалласи |
| Солиҳ Муталлибов | **Кўкча 2-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди («Оқлон», «Исломобод» маҳаллалари) |
| Раҳмат Азларов | **Кўкча 3-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди («Исломобод» маҳалласи) |
| Жавлон Жонибеков | **Кўкча 4-тор кўчаси** | // - // - // |
| Абдурасул Ҳамидов | **Кўкча 5-тор кўчаси** | // - // - // |
| Ҳамидулла Икромов | **Оқлон 3-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди ("Исломобод" ва «Оқлон» маҳаллалари) |
| Ашир Отажонов | **Бўстон** | Жойдаги «Бўстон» маҳалласи номи билан уйғунлаштирилди |
| Ҳамидулла Каримов | **Пахтачи** | Республикамизга оид жой номларидан бири («Ўзбекистон» маҳалласи) |
| Шокир Абзалов | **Зафаробод** | Жой номлари мазмунан бой ва жарангдор бўлишига эътибор берилди |
| Шокир Абзалов 1-тор кўчаси | **Зафаробод 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди ("Зафаробод" маҳалласи) |
| Шокир Абзалов 2-тор кўчаси | **Зафаробод 2-тор кўчаси** | //-//-// |
| Шокир Абзалов 3-тор кўчаси | **Зафаробод 3-тор кўчаси** | //-//-// |
| Шокир Абзалов 1-берк кўчаси | **Зафаробод 1-берк кўчаси** | //-//-// |
| Шокир Абзалов 2-берк кўчаси | **Зафаробод 2-берк кўчаси** | //-//-// |
| Ш.Шоюсупов номли маҳалла | **«Зафаробод» маҳалласи** | Кўча номига мувофиқлаштирилди |
| Генерал Узоқов 1-тор кўчаси | **Шуманай 4-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди |
| Генерал Узоқов 2-тор кўчаси | **Шуманай 5-тор кўчаси** | //-//-// |
| Генерал Узоқов 3-тор кўчаси | **Шуманай 6-тор кўчаси** | //-//-// |
| Генерал Узоқов 4-тор кўчаси | **Шуманай 7-тор кўчаси** | //-//-// |
| Номсиз янги кўча (Истироҳат ва Оқибат кўчалари оралиғида жойлашган) | **Соғинч** | "Ипакчи" маҳалласи ҳудуди |
| ***ҲАМЗА ТУМАНИ*** | | |
| Абдулла Каримов | **Мумтоз** | Ёндош бўлган Оҳанграбо кўчасига уйғунлаштирилди (Муқимий номидаги маҳалла) |
| Абдулла Каримов 1-тор кўчаси | **Мумтоз 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди (Муқимий номидаги маҳалла) |
| Абдулла Каримов 2- тор кўчаси | **Мумтоз 2-тор кўчаси** | //-//-// |
| Жўра Усмонов | **Мумтоз 3-тор кўчаси** | //-//-// |
| Белов | **Мумтоз 4-тор кўчаси** | //-//-// |
| Строительная | **Оҳанграбо** | Шу номли кўчанинг давоми бўлгани инобатга олинди (Муқимий номли маҳалла) |
| Ғалабанинг 40 йиллиги даҳаси | **Тузель даҳаси** | Жойнинг тарихий номи. Текис жой маъносида |
| Ғалабанинг 40 йиллиги 1-мавзеси | **Тузель 1-мавзеси** | Мавзе номи тартибга келтирилди |
| Ғалабанинг 40 йиллиги 2-мавзеси | **Тузель 2-мавзеси** | //-//-// |
| Ғалабанинг 40 йиллиги 3-мавзеси | **Тузель 3-мавзеси** | //-//-// |
| Ғалабанинг 40 йиллиги 4-мавзеси | **Тузель 4-мавзеси** | //-//-// |
| Шолохов | **Бешариқ** | Фарғона вилоятига оид жой номи ("Бирлашган" маҳалласи) |
| Шолохов 1-тор кўчаси | **Бешариқ 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида ("Бирлашган" маҳалласи) |
| Шолохов 2-тор кўчаси | **Бешариқ 2-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида ("Бирлашган" маҳалласи) |
| Хоразм | **Истиқлол** | Шу номли кўчанинг бош қисми бўлгани учун |
| ***ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ*** | | |
| Хайробод 5-тор кўчаси *(такрор)* | **Хайробод 6-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида («Хайробод» маҳалласи) |
| Проектный | **Бунёд** | Жой номини тартибга келтириш мақсадида ("Бешқўрғон" маҳалласи) |
| ***ЮНУСОБОД ТУМАНИ*** | | |
| Зокир Шокиров | **Анорзор** | Жой қадимда анорзор бўлгани инобатга олинди (Ғ.Абдуллаев номидаги маҳалла) |
| Зокир Шокиров 1-тор кўчаси | **Анорзор 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида (Ғ.Абдуллаев номидаги маҳалла) |
| Зокир Шокиров 2-тор кўчаси | **Анорзор 2-тор кўчаси** | //-//-// |
| Абдулла Мирзахўжаев | **Оқилота** | Жойнинг тарихий номи (Ғ.Абдуллаев номидаги маҳалла) |
| Янги кўча | **Тикланиш** | Жойда янги уй-жойлар бунёд этилаётгани инобатга олинди («Гулистон» маҳалласи) |
| Янги кўчалар | **Тикланиш 1-4 тор кўчалари** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида («Гулистон» маҳалласи) |
| Хуршид *(такрор)* | **Минор 1-берк кўчаси** | Шу номли хотира манзилига олиб борадиган берк кўча бўлгани инобатга олинди («Минор» маҳалласи) |
| Дёжнев берк кўчаси | **Минор 2-берк кўчаси** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида («Минор» маҳалласи) |
| Аъзам Хўжаев | **Қозитарнов** | Жойнинг тарихий номи (Фирдавсий номидаги маҳалла) |
| Қозитарнов *(кичик кўча)* | **Қозитарнов 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди (Фирдавсий номидаги маҳалла) |
| Мирали Миркаримов | **Қозитарнов 2-тор кўчаси** | // - // - // |
| Иброҳим Аҳмад | **Янгитарнов 1-тор кўчаси** | // - // - // |
| Эргаш Исамуҳамедов | **Фирдавсий 4-тор кўчаси** | // - // - // |
| Ориф Соипов | **Ҳасанбой 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди («Шарқ ҳақиқати» маҳалласи) |
| Ориф Соипов 1-тор кўчаси | **Ҳасанбой 2-тор кўчаси** | // - // - // |
| Ориф Соипов 2-тор кўчаси | **Ҳасанбой 3-тор кўчаси** | // - // - // |
| Ориф Соипов 3-тор кўчаси | **Ҳасанбой 4-тор кўчаси** | // - // - // |
| Обид Мирҳабибов | **Ҳасанбой 5-тор кўчаси** | // - // - // |
| Нормат Парпибоев | **Ҳасанбой 6-тор кўчаси** | // - // - // |
| Абдулла Ҳошимов | **Ҳасанбой 7-тор кўчаси** | // - // - // |
| Маҳкам Алиев | **Ҳасанбой 8-тор кўчаси** | // - // - // |
| Абдулла Ҳошимов 1,2,3,4-берк кўчалари | **Ҳасанбой 1,2,3,4-берк кўчалари** | // - // - // |
| Маҳкам Алиев 1,2,3,4-берк кўчалари | **Ҳасанбой 5,6,7,8-берк кўчалари** | // - // - // |
| Ш.Қозоқбоев номидаги маҳалла | **«Ҳасанбой» маҳалласи** | Жойнинг тарихий номи |
| Янги кўча | **Каттасой** | Мазкур жой аввал катта сойликдан иборат бўлгани инобатга олинди (Янги номланган «Ҳасанбой» маҳалласи) |
| Янги кўча | **Каттасой тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди («Ҳасанбой» маҳалласи) |
| Янги берк кўчалар | **Каттасой 1,2,3-берк кўчалари** | // - // - // |
| Санобар Одилова | **Йўлариқ** | Жойнинг тарихий номи («Шодлик» маҳалласи) |
| Нуриддин Муродов | **Янгишаҳар** | Жойнинг тарихий номи («Акбаробод», «Боғишамол», «Янгиобод», «Дўстлик» ва "Юнусобод" маҳаллалари) |
| Янги кўчалар | **Янгишаҳар 1,2,3,4-тор кўчалари** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди («Юнусобод» маҳалласи) |
| Ғулом Дўстмуҳамедов | **Эски Юнусобод** | Жойнинг тарихий номи («Юнусобод» маҳалласи) |
| Ғулом Дўстмуҳамедов 1-тор кўчаси | **Эски Юнусобод 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди («Юнусобод» маҳалласи) |
| Ғулом Дўстмуҳамедов 2-тор кўчаси | **Эски Юнусобод 2-тор кўчаси** | // - // - // |
| Ғулом Дўстмуҳамедов 3-тор кўчаси | **Эски Юнусобод 3-тор кўчаси** | // - // - // |
| Ғулом Дўстмуҳамедов 4-тор кўчаси | **Эски Юнусобод 4-тор кўчаси** | // - // - // |
| Ғулом Дўстмуҳамедов 5-тор кўчаси | **Эски Юнусобод 5-тор кўчаси** | // - // - // |
| Юнусобод *(такрор)* | **Деҳқонобод** | Жойнинг тарихий номи. ("Бободеҳқон" маҳалласи) |
| Маҳмуд Мирзаев | **Янги Юнусобод кўчаси** | Жой номи тартибга келтирилди |
| Қорақамиш | **Юқори Қорақамиш** | Кўча шу номдаги канал ёқаси бўйлаб жойлашгани ва шаҳарнинг юқори қисмида жойлашгани инобатга олинди («Мойқўрғон» маҳалласи) |
| Турсун Ризаев | **Юқори Қорақамиш** | Шу номли кўчанинг давоми бўлгани инобатга олинди («Исломобод» маҳалласи) |
| Маҳмуд Зокиров | **Дарвозакент 4-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида («Отчопар-1» маҳалласи) |
| Теша Зоҳидов | **Юнусота** | Йўналишдаги "Юнусота" маҳалласи номи билан уйғунлаштирилди ("Юнусота", "Дўстлик" ва "Ўзбекистон мустақиллиги" маҳаллалари) |
| Отабой Турсунов | **Оқтепа** | Жойнинг тарихий номи («Оқтепа» маҳалласи) |
| Мирзакарим Мирҳожиев | **Оқтепа 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди («Оқтепа» маҳалласи) |
| Соип Юсупов | **Оқтепа 2-тор кўчаси** | // - // - // |
| Нўъмон Убайдуллаев | **Оқтепа 3-тор кўчаси** | // - // - // |
| Маҳкам Қулматов | **Оқтепа 4-тор кўчаси** | // - // - // |
| Али Обидов | **Оқтепа 5-тор кўчаси** | // - // - // |
| Бобур *(такрор кичик кўча)* | **Оқтепа 6-тор кўчаси** | // - // - // |
| Отабой Турсунов берк кўчаси | **Оқтепа берк кўчаси** | // - // - // |
| Маҳкам Қулматов 1,2-берк кўчалари | **Оқтепа 1,2-берк кўчалари** | // - // - // |
| Ёшлик (такрор) | **Чинобод 3-берк кўчаси** | // - // - // |
| Ҳалқа йўли *(такрор кичик кўча)* | **Бўзсув** | Жойдаги Катта Ҳалқа йўлига туташ бўлмаган кўча. Бўзсув канали бўйида бўлгани инобатга олинди («Оқтепа» маҳалласи) |
| Ҳалқа йўли 1,2,3,4-берк кўчалари | **Бўзсув 1,2,3,4-берк кўчалари** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди («Оқтепа» маҳалласи) |
| Борий Одилов | **Халқобод 4-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди (Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла) |
| Борий Одилов тор кўчаси | **Халқобод 5-тор кўчаси** | // - // - // |
| ***ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ*** | | |
| Хонхўжаота | **Ракат 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди («Ракат» маҳалласи) |
| Саидбек Усмонов | **Бобур боғи** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди («Конституция» маҳалласи) |
| Юрий Ивлев | **Кичик Миробод 1-тор кўчаси** | Жойнинг тарихий номи ("Миробод", Ҳ.Сулаймонов номидаги маҳаллалар) |
| Ботир Бобоев | **Ўрикзор** | Жойнинг тарихий номи (Авлоний номидаги, "Ўрикзор", "Ракат" маҳаллалари) |
| Ўрикзор *(кичик кўча)* | **Ўрикзор 3-тор кўчаси** | Туташ кўча номлари уйғунлаштирилди ("Ўрикзор" маҳалласи) |
| Ботир Бобоев 1,2,3-тор кўчалари | **Ўрикзор 4,5,6-тор кўчалари** | // - // - // |
| Бўрижар қўрғони | **Бўрижар** | Жой номи соддалаштирилди ("Ўрикзор" маҳалласи) |
| Ҳумо тор кўчаси | **Ўлмас Умарбеков** | Ўзбекистон халқ ёзувчиси шу кўчада яшагани инобатга олинди |

